Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик*
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

ЎзР ОЎМТВ
Буйрук № 654
"20" 07 2019 йил

# СЎЗ БОШИ

## 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ўзбекистон Миллий университети;
- Ўзагрокимёҳимоя АЖ;
- Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти.

## 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил «5» 07 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

## 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда таянч ОТМга тегишлидир.

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| **1.** | ***5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи** .................................... | 4 |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ......................................................................... | 4 |
| 1.2. | ***5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи ................ | 4 |
| **2.** | ***5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар** .................................................. | 6 |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................................................ | 6 |
| 2.2. | ***5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик*** таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари ...................................................................... | 7 |
| **3.** | ***5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар** .................................................. | 8 |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................................................ | 9 |
| 3.2. | Малака амалиётига қўйиладиган талаблар ........................ | 10 |
| 3.3. | ***5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми .................................. | 12 |

# 1. *5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

***5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурида кўзда тутилган ўқув шакли, меъёрий муддати ва унга мувофиқ мос малака даражаси 1- жадвалда келтирилган.

**1- жадвал**

**Ўқув режаси ва фан дастурда кўзда тутилган ўқув шакли, меъёрий муддати ва унга мувофиқ малака даражаси**

| Ўқув режа ва фан дастурининг номи | Малака (даража) | Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|---|---|
| Бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурлари | Бакалавр | 4 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5410100-Агрокимё ва агроупроқшунослик*** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2.** ***5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1.** ***5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик*** бакалавриат таълим йўналиши – ўз ичига тупроқ, ўсимлик ва ўғит ҳақидаги фундаментал фанлар мажмуини олган фан соҳасидаги таълим йўналиши бўлиб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим йўналишига оид фанларни ўқитиш; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида; Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида; Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзагрокимёҳимоя акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазирлиги хамда уларнинг тасарруфидаги ташкилотларда; вилоятлар фермер хўжаликлари уюшмаларида, агрокимё станция филиалларида; вилоят, туман, участка ва хусусий агрокимёвий лабораториялари, бўлимлари, пунктлари, шаҳобчаларида тупроқшуносликка оид комплекс масалаларни ечиш билан боғлиқликда бўладиган барча жараёнлар мажмуасини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

**1.2.2. *5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- тупроқшунослик соҳасига доир назарий муаммолар, тупроқ; тупроқ пайдо бўлиши омиллари; ер ресурслари; тупроқ типлари; дунё тупроқлари; суғориладиган тупроқлар; лалми ерлар; тоғ тупроқлари; саҳро тупроқлари; қўриқхона ва миллий боғларнинг тупроқлари; фермер хўжаликларининг тупроқлари; ифлосланган тупроқлар; шўрланган тупроқлар; эрозияга учраган тупроқлар; экспериментал тадқиқот воситалари; тупроқшунослик лабораторияларининг асбоб-ускуналари; тупроқларни диагностик аппаратуралари ва ҳар хил реактивлар; таълим муассасаларининг фаолиятини ўз ичига олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

***5141000-Тупроқшунослик* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

- тупроқшунослик бўйича илмий, амалий тадқиқотлар олиб боришда қатнашиш;
- тупроқшуносликдаги тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида хулосалар қилиш;
- турли тип тупроқлари ва тупроқ-ўсимлик-ўғит ўртасида кечадиган физик, кимёвий ва биологик жараёнларни ўрганиш;
- тупроқшуносликда ГАТ технологияларни қўллаш;
- тупроқшуносликга тегишли фан ва ишлаб чиқариш соҳаларида қўлланиладиган асбоб-ускуналардан фойдаланиш;
- илмий-тадқиқот гуруҳлари бошланғич бўғинининг ишини ташкил этишда қатнашиш;
- тадқиқот ишларининг ечимини таҳлил қилиш ва амалиётга татбиқ қилиш;
- ўрта махсус, касб-ҳунар муассасаларида педагогик фаолият юритиш.

**1.2.3. *5141000-Тупроқшунослик* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *илмий-тадқиқот;*
- *ташкилий-бошқарув;*
- *ишлаб чиқариш;*

- *маънавий-маърифий;*
- *турли хизматлар кўрсатиш;*
- *ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик фаолият (педагогик фанлар цикли ва педагогик амалиёт мавжуд таълим йўналишлари ҳамда касбий таълим йўналишлари учун).*

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Соҳанинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида услубиётчи, ёрдамчи ходим сифатида фаолият кўрсатиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

***5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик*** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

***5А141001 –Тупроқшунослик (тадқиқот турлари бўйича),***

***5А141002 – Экспериментал агрокимё*** магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## 2. *5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**:

**Бакалавр:**

- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;
- дунёқараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда хаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўққув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича маистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими

олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. *5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Илмий - тадқиқот фаолиятида:**

тупроқшуносликдаги замонавий тизимлар, жараёнлар, қурилмалар ва янги технологияларни ўрганиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ишларида иштирок этиш;

интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

фан соҳасидаги махсус адабиётлар, илмий техникавий маълумотлар, чет элда ва республикамизда эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ютуқларни ўрганиш;

фан соҳасида кичик илмий ходим лавозимида илмий тадқиқотларни ўтказиш ва ишланмаларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

мавзу (топширик) бўйича илмий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил этиш ва тизимлаштириш;

тадқиқот натижалари ва ишланмаларни тадбиқ этишда қатнашиш;

замонавий усуллар ва воситалардан фойдаланиб фаолият объектлари ҳолатини таҳлил қилишда иштирок этиш;

илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда соҳага оид мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда иштирок этиш;

илмий-амалий семинарлар, конференцияларни ташкил этиш ҳамда илмий, таҳлилий оммабоп нашрларда мақолалар билан қатнашиш;

маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилишда иштирок этиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

тупроқшуносликда замонавий ГАТ технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган методлар ва механизмларни ишлаб чиқиш;

замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ташиш жараёнлари мониторинги механизмини ишлаб чиқиш;

фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

ижрочилар жамоаси таркибида интеллектуал мулк масалалари бўйича асосий меъёрий хужжатлардан фойдаланиш, патент информацияси манбалари бўйича изланиш ишларини олиб бориш;

ишлаб чиқаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазасига, ёнғинга, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Ишлаб чиқариш фаолиятида:**

жадал ривожланган деҳқончилик шароитида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, экинлар ҳосилининг сифатини яхшилаш бўйича ишларни режалаштириш ва бажариш қобилиятига эга бўлиш;

қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган тупроқларни замонавий усулларда систематикалаш қобилиятига эга бўлиш;

тупроқларни харитага тушириш қобилиятига эга бўлиш;

табиатни мухофаза қилиш қўмитаси тасарруфидаги ташкилотларда тупроқларни мухофазалаш ишларини олиб бориш;

фермер хўжаликлари тупроқларининг агрокимёвий харитасини тузиш ва унинг асосида ўғитлардан фойдаланиш режасини ишлаб чиқиш;

соҳага таллуқли ташкилотларда тупроқ-агрокимёвий ишларини амалга ошириш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Маънавий-маърифий фаолиятида:**

Ёшлар иттифоқи ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий-маърифий масалалар бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

тарих ва тупроқшуносликга оид манбалардан илмий, маънавий-маърифий соҳада фойдаланишни ташкиллаштириш;

умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш;

ўрта махсус, касб-ҳунар муассасаларида педагогик фаолият юритиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим.***

**Турли ҳизматлар кўрсатиш фаолиятида:**

хизмат кўрсатиш жабҳасидаги объектлар, технологик воситалардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш;

хизмат кўрсатиш воситалари, уларнинг механизм ва тизимлари ҳамда технологик жиҳозларига хизмат кўрсатиш ва намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

таълим йўналиши бўйича тупроқшунослик тизимлари соҳасида мавжуд ҳолатнинг аналитик обзорларини (таҳлилларини) ишлаб чиқиш;

тупроқларни муҳофаза қилиш;

пуллик хизматларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

илғор технологик жараёнларни ва илмий асосланган хизмат кўрсатиш тизимларини қўллаш ва улардан оқилона фойдаланиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик фаолиятда (педагогик фанлар цикли ва педагогик амалиёт мавжуд таълим йўналишлари ҳамда касбий таълим йўналишлари учун):**

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш;

ўқув фанларини ўқитиш услубиётини эгаллаш;

замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги услублар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

## 3. *5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

***5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий илмий фанлар;

умумкасбий;

ихтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда

тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва кархоналарда ўтказилади.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

**3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**Гуманитар ва табиий илмий фанлар блоки бўйича:**

***Гуманитар фанлар бўйича:***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар фанларга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади;

***Табиий илмий фанлар бўйича:***

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда ахборот-коммуникацион технологиялар, ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг тупроқшунослик соҳасидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

табиий ва илмий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

тупроқшунослик таълим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

физика, кимё ва биологияни ўрганиб коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси **тўғрисида тасаввурга эга бўлиши лозим.**

**Умумкасбий фанлар блоки бўйича:**

- таълим йўналишининг фанларини ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириш;
- таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;
- таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;
- ҳозирги замон тупроқшунослиги, тупроқ ҳосил бўлиш жараёнлари, омиллари, тарқалиш қонуниятлари;
- тупроқлардан халқ хўжалигида фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш;
- тупроқ биологияси ва экологияси;
- умумий деҳқончилик, унинг илмий асослари;
- тупроқ мелиорацияси ва гидрологияси фанининг асослари;
- ўсимликшунослик мазмуни ва вазифалари;
- тупроқ кимёси мазмуни ва вазифалари;
- тупроқ физикаси мазмуни ва вазифалари;
- агрокимё, ўсимлик-тупроқ-ўғит ўртасидаги муносабат;
- мустақиллик йилларида тупроқшунослик соҳасининг ривожланиши;
- тупроқшунослик йўналишида эришилган ютуқлар, муаммолар, ислоҳотлар ва кадрлар тайёрлаш масаласининг устувор вазифаларини таҳлил қилиш;

- тупроқ агрофизикаси ва технологияси, мелиорацияси, кимёси, агрокимёси, минерологияси, биологияси ва экологияси соҳасида изланиш олиб борган олимларнинг тадқиқотларини, ютуқларини, услубларини истиқболдаги илмий ишларида қўллаш;

- тупроқшуносликда ГАТ технологиялар қўллаш орқали унумдорлигини ошириш;

- деҳқончиликнинг илмий асослари;

- тупроқларни ифлосланиши ва унинг салбий оқибатлари;

- тупроқ географияси ва систематикаси;

- тупроқшуносликда ГАТ технология;

- умумий педагогика назарияси, ўқитиш жараёни, ўқитишнинг вазифалари, таълим методлари, воситалари ва технологиялари, педагогик маҳорат, умумий психология соҳалари, таълим ва ақлий тараққиёт, тарбия методлари ва шакллари, педагогик қобилият;

- тупроқшунослик фанларини ўқитиш услубиёти борасида ***илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни шакллантириш керак.***

**Ихтисослик фанлар блоки бўйича:**

- тупроқ ва атроф муҳитнинг ифлосланиши;
- тупроқни харитага тушириш;
- тупроқни тадқиқ қилиш усуллари;
- агрокимёвий текшириш усуллари;
- тупроқ бонитировкаси;
- талабаларда келажакда магистратура бўйича ўқишни давом эттириш учун Тупроқшунослик, Экспериментал агрокимё мутахассисликларини танлашга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиш.

Ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талаблари эътиборга олинади.

**Қўшимча фанлар блоки бўйича:**

- таълим йўналиши талабаларининг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

- меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

- таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

- касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

**Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**Курс ишига қўйиладиган талаблар:**

- курс иши мавзулари факультет Кенгаши қарори билан белгиланган фанлар доирасида ишчи ўқув режасида кўрсатилади. Курс ишлари белгиланган фанлардан олинган билимларни бойитишга ҳизмат қилиши керак.

**3.2. Малака амалиётига қўйиладиган талаблар:**

Амалиётлар бакалавриат таълим дастурининг мажбурий бўлаги ҳисобланади. Амалиётлар ўқув, ишлаб чиқариш машғулотлари кўринишида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёрлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури – ўқув-дала, ишлаб чиқариш, педагогик ва битирув малакавий иши амалиётлари ўтишни ўз ичига олади.

Амалиёт натижаси ва ҳисоботи баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

**Ўқув-дала амалиёти**:

Ўқув-дала амалиёти талабаларни ўсимлик жамоалари классификацияси; ер рельефининг асосий шаклларини план ва карталарда тасвирлаш геодезик ўлчашлар

турлари; ер пўстининг тузилиши, минералогия ва минераллар; тупроқ қопламини, типлари ва тарқалиш қонуниятларини ўрганиш; Ўзбекистон ер ресурслари, деҳқончиликда фойдаланилувчи асосий вакилларини билиш; дала шароитида тупроқ кесмаларини қазиш, намуналар олиш ва морфологик ёзилмаларни ўтказиш; тупроқ қопламини атроф – муҳит билан бирлиги ва уларга экологик омиллар таъсирини ўрганиш бўйича кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.

**Ишлаб чиқариш амалиёти**:

Ишлаб чиқариш амалиёти учинчи курснинг ёзги аттестациясидан кейин ўтказилади. Талабалар амалиёт вақтида кафедра, ихтисослик бўйича мос ЎзР Ергеодезкадастр давлат қўмитаси, ЎзР табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзагрокимёҳимоя акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазирлигининг тегишли ташкилотлари, ЎзР ФА ИТИ ва тармоқ институтлари илмий лабораторияларида мавжуд замонавий асбоб ускуналар ёрдамида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида қатнашадилар, хамда тупроқшунослик сохасига мос ишлаб чиқариш корхоналари ва муассасаларида иш жараёнларини ўрганадилар, олинган натижаларни қайта ишлашда иштирок этадилар. Стандарт талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрланади; ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштиради ва мустаҳкамлайди; жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш бўйича тажриба ҳосил қилади; битирув малакавий ишини бажариш учун материаллар тўплайди.

***Педагогик амалиёт***

Педагогик амалиёт 4-курсда педагогик фанларни ўзлаштиргандан сўнг ўтилади. Амалиёт ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида ўтказилади. Талабалар таълим муассасасида таълим ва тарбия ишларини ўрганишади. Амалиёт икки қисмдан иборатдир. Биринчи қисм пассив амалиёт бўлиб, бунда талабалар турли фан ўқитувчиларнинг дарсига кириб, уларнинг дарс бериш усулларини ўрганишади. Гуруҳ раҳбарининг иш режасини ўрганишади. Дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машғулотлар режаси ва ўтказилиши билан танишади. Гуруҳ раҳбари томонидан ўтказиладиган синф соатлари, мажлислари, суҳбатларида иштирок этишади. Иккинчи қисм фаол амалиёт бўлиб, бунда талабалар тупроқшунослик фани тизимига кирувчи тупроқшунослик, тупроқ мелиорацияси ва гидрологияси, умумий деҳқончилик ва ўсимликшунослик фанлари бўйича дарс бериш ва дарсларни таҳлил қилишни ўрганишади.

Талабанинг илмий-тадқиқот иши амалиётнинг бир бўлагини ташкил қилиши мумкин. Илмий тадқиқот иши битирувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. У битирувчини 8 семестрда кафедранинг илмий ишида албатта иштирок этишини, курс ишларини касбий (махсус) циклнинг базавий фанлари мавзуси бўйича бажарилиши ва ҳимоя қилинишини, талабанинг талабалар илмий жамияти йўналиши бўйича илмий ишда иштирок этишини ва битирув малакавий ишини кафедранинг илмий мавзуси бўйича бажарилишини назарда тутади.

Талабалар илмий тадқиқот ишини ташкил қилинишида қуйидагилар билан таъминланиши керак:

- илмий тадқиқот ишларининг ҳар йили янгиланадиган мавзулари ҳақида талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;
- чиқарувчи факультет (кафедра) нинг илмий мавзуси бўйича илмий тадқиқот ишларини бажариши учун лабораторияларда талабаларни иш жойи билан таъминлаш;
- ОТМ нинг АРМ да мустақил илмий тадқиқот ишни олиб бориш имкониятини тақдим этиш;
- талабалар илмий жамиятининг конференцияларини ташкил қилиш;
- талабалар илмий конференцияси ғолибларига мамлакатнинг бошқа ОТМ ларига маърузалар билан чиқиш имкониятларини тақдим этиш.

**Битирув малакавий иши:**

Битирув малакавий иш (лойиҳа) лар мавзулари соҳанинг ривожланиш истиқболи ва фан, таълим, техника, технология, иқтисодиётдаги замонавий ютуқлар ҳамда кадрлар

буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасасининг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади. Битирув малакавий иши (лойиҳаси)нинг мавзулари ишлаб чиқариш ёки илмий-тадкиқот йўналишида бўлиши мумкин.

Талабага битирув малакавий иши топшириғи у учинчи курсда таҳсил олаётганда берилади. Иш умумкасбий ва ихтисослик фанларни ўрганганлик меъёрига кўра тўртинчи курс мобайнида, шунингдек, мазкур стандартда бажариш учун ажратилган вақт мобайнида бажарилади. Битирув малакавий ишининг ҳажмини кафедра белгилайди. Битирув малакавий ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида белгиланади.

**3.3. *5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 28 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Таълим йўналишининг ўқув режаси ва фанлар дастури мазмуни олий малакали кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида таълим йўналиши бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

***5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик*** таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича 4 йил ўқишга мўлжалланган бўлиб, қуйидаги вақт тақсимотига эга:

| | |
|---|---|
| Назарий ва амалий таълим | 114 |
| Малакавий ва педагогик амалиёт | 26 |
| Аттестациялар | 22 |
| Якуний давлат аттестацияси | 6 |
| Таътиллар | 36 |
| **Жами** | **204 ҳафта** |

Ўқитишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий ва амалий таълим - 56%;
малакавий ва педагогик амалиёти - 13%;
аттестациялар - 11%;
таътиллар - 17%
якуний давлат аттестацияси - 3%

Назарий таълим ҳажми "Гуманитар соҳаси" билим соҳасидаги фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки - 25%;
умумкасбий фанлар блоки - 45%;
ихтисослик фанлар блоки - 24%;
қўшимча фанлар блоки - 6%.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6-10 ҳафта қилиб белгиланади.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

Касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриатуранинг асосий таълим дастури, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, тупроқшунослик, тупроқ кимёси, тупроқ физикаси, ўсимлик озиқланиши ва ўғит, деҳқончилик, ўсимликшунослик, тупроқ мелиорацияси ва гидрологияси, тупроқ харитаси, шўрланиш, тупроқ эрозияси, унумдорлик, тупроқ зоологияси, тупроқ микробиологияси, тупроқ экологияси, тупроқ қоплами, тупроқ бонитировкаси, тупроқ систематикаси, ГАТ технология, тупроқни ифлосланиши, экологик муаммолар.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**

Ректор_____________ **А.Р.Марахимов**

2019 йил «25» 06

**М.Ў.**

**Ўзагрокимёҳимоя АЖ**

Раис ________________ **О.Б.Исаев**

2019 йил «25» 06

**М.Ў.**

**ЎзР Ергеодезкадастр давлат қўмитаси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти**

Директор ________________ **Р.Қ.Қўзиев**

2019 йил «25» 06

**М.Ў.**

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази**

Директор_____________ **З.Хакимов**

2019 йил «02» 07

**М.Ў.**

**Гулистон Давлат университети**

Ректор________________ **М.Т.Ходжиев**

2019 йил «02» 07

**М.Ў.**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режасининг ишлаб чиқувчилар, турдош олий таълим муассасалари ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида

**КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тошкент ш. "02" 07 2019 йил

Биз қуйида имзо чекувчилар – Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти директори проф. Р.Қ.Қўзиев, Гулистон Давлат университети ректори проф. М.Т.Ходжиев, Ўзбекистон Миллий университети ректори проф. А.Р.Марахимов биргаликда ЎзМУда ишлаб чиқилган қуйидаги бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаси мазмуни билан танишиб чиқиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

1. 5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналиши

Малака талаблари ҳамда ўқув режани ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровлиислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 17 июндаги "2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4359-сон Қарорларига ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар, шунингдек, халқаро талабларга асосланган.

Мазкур малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида асосий кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар ҳам инобатга олинган.

Таълим йўналиши бўйича малака талаблари ўқув режа ва фан дастурлари хамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режани ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Ергеодезкадастр давлат
қўмитаси Тупроқшунослик
ва агрокимё илмий-тадқиқот
институти директори, профессор Р.Қ.Қўзиев

Гулистон Давлат университети
Ректори, профессор М.Т.Ходжиев

Ўзбекистон Миллий университети
ректори, профессор А.Р.Марахимов

**Ижодий гуруҳ раиси ва аъзолари**
**Ижодий гуруҳ раиси ва ўринбосари**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Ижодий гуруҳ раиси** | **Т.Абдрахмонов** | **Биология факультети декани** | |
| **Ижодий гуруҳ раиси ўринбосари** | **С.Сидиқов** | **Тупроқшунослик кафедраси мудири** | |

**Ижодий гуруҳ аъзолари**

| **Т/р** | **Ўқув фанлари (курслар)и нинг номи** | **Ф.И.Ш., лавозими, илмий даражаси ва унвони** | **Имзо** |
|---|---|---|---|
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | | |
| 2.01 | Ботаника ва ўсимликлар физиологияси | Х.Я.Азизов<br>Катта ўқитувчи | |
| 2.02 | Тупроқшунослик | Х.Х.Турсунов,<br>профессор, қ.х.ф.д., профессор | |
| 2.03 | Тупроқ биологияси ва экологияси | З.Жабборов<br>доцент, б.ф.д., доцент | |
| 2.04 | Умумий деҳқончилик | С.Сидиқов<br>доцент, қ.х.ф.н., доцент | |
| 2.05 | Тупроқ мелиорацияси ва гидрологияси | С.Абдуллаев<br>профессор, қ.х.ф.д., профессор | |
| 2.06 | Ўсимликшунослик | З.Хаидмухамедова<br>доцент, қ.х.ф.н., доцент | |
| 2.07 | Тупроқ кимёси | М.Фахрутдинова<br>доцент, б.ф.н., доцент | |
| 2.08 | Тупроқ физикаси | Ш.Исхоқова<br>доцент, қ.х.ф.н., доцент | |
| 2.09 | Агрокимё | Ж.Сатторов<br>профессор, қ.х.ф.д., профессор | |
| 2.10 | Тупроқшунослик ва агрокимёга кириш | Т.Абдрахмонов<br>профессор, қ.х.ф.н., доцент | |
| 2.11 | Тупроқшуносликда ГАТ технология | Г.Джалилова<br>доцент, б.ф.д., доцент | |
| 2.12 | Умумий психология ва педагогика | Х.Рухиева<br>доцент | |
| 2.13 | Агрокимё ва агротупроқшунослик ўқитиш методикаси | Т.Абдрахмонов<br>доцент, қ.х.ф.н., доцент | |
| **3.00** | **Ихтисослик фанлари** | | |
| 3.01 | Тупроқ ва атроф муҳитнинг ифлосланиши | Т.Абдрахмонов<br>доцент, қ.х.ф.н., доцент | |
| 3.02 | Тупроқни харитага тушириш | С.Сидиқов<br>доцент, қ.х.ф.н., доцент | |
| 3.03 | Тупроқни тадқиқ қилиш усуллари | Ш.Исхоқова<br>доцент, қ.х.ф.н., доцент | |
| 3.04 | Агрокимёвий текшириш усуллари | У.Қосимов<br>Катта ўқитувчи | |
| 3.05 | Тупроқ бонитировкаси | Ш.Ахмедов<br>Катта ўқитувчи, б.ф.н. | |

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган малака талаблари ва ўқув режасига

# ТАҚРИЗ

"Таълим тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълим мазмунини тубдан ислоҳ қилиш, тайёрланаётган кадрлар сифатининг республикада амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар талабларига, шунингдек таълим, фан, техника ва технологиялар ривожланишининг илғор жаҳон даражасига мувофиқлигини таъминлаш бевосита малака талабларининг мазмунига боғлиқ.

5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаси Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида" қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019–2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарорлари хамда ЎзР ОЎМТВ нинг2018 йил 6 июндаги “Олий таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги №87-02-1322-сонли буйруғи, олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга хамда ҳориж тажрибаларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналиши бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси ҳориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган, бакалаврларнинг фанларни ўзлаштириш жараёнида тажриба, кўникмалар хамда тасаввурга эга бўлиш, қўйилган талабларни билиши

ва улардан самарали фойдалана олиш кабилар тўғри кўрсатилган. Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда замонавий услуб ва технологияларга, дала ва лаборатория амалиётларига, семинар машғулотларига, мустақил билим олиш ҳамда олинган маълумотларни таҳлил қилишга кенг ўрин берилган.

Малака талабларини ишлаб чиқишда таълимни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, глобаллашув шароитида ўзига хосликни сақлаш ва жаҳон таълим маконига интеграллаштириш тамойилла-рига амал қилинган. Малака талабларидаги блоклар бўйича фанлар таркиби, уларнинг ўзаро нисбатлари битирувчиларнинг танлаган мутахассислиги бўйича олган назарий билимларини амалиётда қўллай олиш кўникмасини кучайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилган. Фанлар учун белгиланган вақт бюджетининг назарий, амалий, тажриба, мустақил ишлар учун тақсимоти битирувчининг назарий билимларини мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда муваффақият билан қўллаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасалаинининг талаб ва таклифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси олий таълим ўқув жараёнини жаҳон андозалари даражасига етказишга йўналтирилган бўлиб, ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ва сифатли тузилган, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини қониқтиради хамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

Гулистон Давлат университети
Тупроқшунослик кафедраси
мудири, б.ф.д. доцент И.Ўрозбоев

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI XODIMLAR BO'LIMI

IMZONI TASDIQLAYMAN
XODIMLAR
BO'LIM BOSHLIG'I

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган *5410100–Агрокимё ва агротупроқшунослик* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган малака талаблари ва ўқув режасига

# ТАҚРИЗ

М.Улуғбек номидаги ЎзМУда 5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019–2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4359-сон Қарорлари билан тасдиқланган тамойилларга амал қилинган.

5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналиши бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режасида таълим фанларининг тузилмаси, мазмуни, ўқув юкламаси ҳажми, таълим олувчилар ва битирувчиларнинг малака даражаси ва тайёргарлик сифатига қўйиладиган талаблар тўғри кўрсатилган. Таълим йўналишида ўқитиладиган барча блок

фанлари тўғри танланган. Таълим олувчиларда ҳориж тажрибаси асосида чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда илғор ҳорижий ОТМ ларининг замонавий услуб ва технологияларига, ўқув машғулотларининг шаклларига ва мустақил билим олишга кенг ўрин берилиши диққатга сазовордир. Малака талаблари ва ўқув режа халқаро стандартларга мос холда тузилган. II ва III блоклар фанларининг мазмунига алоҳида эътибор берилиб, янги фанлар киритилган. Фанлар бўйича соатларни тақсимлашда белгиланган вақт меъёрларига амал қилинган. Фанларни блоклар ва семестрларга жойлаштиришда услубий кетма-кетликка қатъий риоя этилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда кадрлар истеъмолчиларининг талаб ва таклифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси ҳориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, жаҳон андозаларига мос етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган холда сифатли тузилган бўлиб, ўқув жараёнининг меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш учун асос бўлиб ҳизмат қилади хамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

**ЎзР Ергеодезкадастр**
**Давлат қўмитаси**
**Тупроқшунослик ва агрокимё**
**илмий тадқиқот институти**
**директори, б.ф.д.** **проф. Қўзиев Р.Қ.**

**Ўзбекистон Миллий университети 5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналиши учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг бакалавр мутахассислиги битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари**

| Таълим йўналиши | | Таълим йўналиши учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг бакалавр мутахассислиги битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари |
|---|---|---|
| шифри | номи | |
| 5410100 | 5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик | **Бакалавр:**<br>- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;<br>- дунёқараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;<br>- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда хаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;<br>- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;<br>- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;<br>- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;<br>- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўққув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.<br>**Бакалавр:**<br>- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;<br>- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича маистратурада олий таълимни давом эттиришга;<br>- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар. |

**ЎзР Ергеодезкадастр**
**Давлат қўмитаси**
**Тупроқшунослик ва агрокимё**
**илмий-тадқиқот институти директори** **Проф. Р.Қ.Қўзиев**

**5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик бакалавриат таълим йўналишининг малака талаби ишлаб чиқилишига**

## ТУШУНТИРИШ ХАТИ

*5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик* бакалавриат таълим йўналиши малака талабини ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги "Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" ги 3-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори;

Ўзбекистон Репубилкаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019–2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4359-сон Қарори.

Малака талабини ишлаб чиқишда бакалавриат таълим йўналиши битирувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Ушбу малака талаб "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Президент, Вазирлар Маҳкамасининг қарор-фармонларини мукаммал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўқув юкламасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-қоидаларга мослигига эришилди.

Малака талабининг қулайлиги - унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

*5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик* бакалавриат таълим йўналишига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.

Малака талабини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жахон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат талим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

**Ўзбекистон Миллий университети**
**ўқув ишлари бўйича проректори** **Д.Х.Джумабаев**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг “Математика ва табиий фанлар” ўқув-услубий бирлашмаси мажлисининг - сон баённомасидан**

**КЎЧИРМА**

10 08 2019 йил. Тошкент шаҳри

**Қатнашдилар:** “Математика ва табиий фанлар” ўқув-услубий бирлашмасининг 27 аъзоси, ЎзМУ таянч бўлган таълим йўналишлари ва мутахассислари бўйича кенгаш котиби Ю.Собирхонова.

**Кун тартиби:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2959-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари томонидан хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

**Эшитилди:**

1. **Д.Х.Джумабаев – “Математика ва табиий фанлар” ўқув-услубий бирлашмаси раиси.** Ҳурматли мажлис қатнашчилари, кун тартибидаги масала бўйича сўзни бирлашма раисининг муовини доц. Д.А.Талиповга берсак. Марҳамат.

2. **Д.А.Талипов – “Математика ва табиий фанлар” ўқув услубий бирлашма раисининг муовини, доцент.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2959-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида университетда тажрибали профессор-ўқитувчилардан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан қуйидаги 1 та таълим йўналиши бўйича кадрлар истемолчилари талаблари ва хорижий тажрибалар асосида Малака талаблари ва ўқув режаси ишлаб чиқилди:

***Таълим йўналиши:***

1. 5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик.

Малака талаблари ва ўқув режасига ишлаб чиқариш ва ИТИнинг (ТАИТИ) мутахассислари, кадрлар буюрмачилари ва истеъмолчилари (Ўзагрокимёҳимоя АЖ), турдош ОТМ (ГулДУ) билан келишув баённомаси олинган.

Сизлардан 5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режасини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришларингизни сўрайман.

**Сўзга чиқдилар:**

1. **Ғ.Эшонкулов - ЎзМУ ЎУБ бошлиғи.** Ҳурматли бирлашма аъзолари, профессор-ўқитувчиларимиз ҳалқаро тажрибаларни ўрганиб, уларни таҳлил қилиб, Республикамиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболларини, фан, технология ютуқларини ва кадрлар истеъмолчиларининг талабларини инобатга олиб, 5141000-Тупроқшунослик таълим йўналиши ва унинг негизидаги 2 та магистратура мутахассисликлари бўйича Малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишди. 5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналиши ҳозирги кунда жуда долзарб йўналиш бўлиб, нафақат Ўзбекистон Республикаси балки Европа, Америка, Осиё, МДҲ давлатлари қишлоқ хўжалик тизимида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш, тупроқларнинг систематикаси, географияси, классификацияси, таркиби, хоссалари, тупроқдан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни ўрганиш ва мукаммаллаштиришни талаб қилмоқда. Юқоридаги таълим йўналишининг ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаси жаҳон андозаларига мос равишда бўлиб, хориж давлатларнинг таълим дастурларига ўхшаш томонлари ҳамда ўзига ҳос ҳусусиятлари билан ажралиб туради. Улар олий таълим мутахассисликлари классификаторига мос равишда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, тегишли фанлар бўйича ҳозирги замон талаблари асосидаги талабаларда чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган. Шунинг учун ишлаб чиқилган МТ ва ўқув режасини маъқуллайман ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

2. **И.Ўрозбоев - Гулистон Давлат университети Тупроқшунослик кафедраси мудири.** Ҳурматли бирлашма аъзолари, ЎзМУ профессор-ўқитувчилари томонидан 5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаси қўйилган талабларни ўзида тўлиғича акс эттирган ва меъёр талабларига тўлиқ жавоб беради. Улар олий таълим йўналишлари классификаторига мос равишда агрокимё ва агротупроқшуносликда замонавий инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларни шакллантиришга мўлжалланган. Биз ижодий ишчи гуруҳ аъзоси сифатида иш жараёнида Малака талаблари, ўқув режа ва малака амалиётлар хусусида ўзимизнинг баъзи фикрларни билдирган эдик, улар ҳозирги ўқув режада ўз аксини топган. Ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режа замон ва давр талабларига тўлиқ жавоб беради. Шунинг учун ишлаб чиқилган 5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналиши бўйича Малака талаблари ва ўқув режасини маъқуллайман ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

3. **Р.К.Кузиев - Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти директори, проф.** ЎзМУ Биология факультети Тупроқшунослик кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган 5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналишининг МТ ҳамда ўқув режаси ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ва олий таълим талаблари асосида тузилганлигини, уларда республикамизда агрокимё ва агротупроқшунослик соҳасини ривожлантиришда рўй бераётган чуқур ислоҳотлар тўлалигича ўз аксини топганлигини таъкидлади. МТ ва ўқув режасини ишлаб чиқишда кадрлар истеъмолчиларининг тайёрланаётган олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжи, уларнинг билим ва кўникмаларига қўйилаётган талаблардан келиб чиқиб, керакли фанларни ўқув режаларига киритилгани ва фанларнинг ўқитиш кетма-кетлиги, ҳажми ва дастурлар мазмуни қўйилган талабларга мослиги айтилди. Шунинг учун муҳокамага қўйилган МТ ҳамда ўқув режасини маъқуллаш ва тасдиқлаш учун тавсия этиш керак, деб ҳисоблайман.

**4. ҚарДУ Экология ва тупроқшунослик кафедраси мудири доц. А.Хайриддинов** сўзга чиқиб, ишлаб чиқилган 5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналишининг МТ ҳамда ўқув режаси ЎзР Вазирлар Маҳкамаси қарори ва ОЎМТВ нинг буйруқлари талабларига мос холда ишлаб чиқилганини таъкидлади. Ўқув режадаги фанлар таркиби ва уларни семестрларга жойлаштиришда услубий кетма-кетликка қатъий риоя этилган, илғор хорижий мамлакатлар (АҚШ, Германия, Голландия, Англия, Чехия, Россия) тажрибалари инобатга олинган, республикадаги турдош ОТМ лари (ГулДУ, ҚарДУ, БухДУ, УрДУ) ҳамда кадрлар истеъмолчилари бўлган ташкилот (ТАИТИ) билан келишилган замонавий талаблар асосида ёзиб тайёрланганлиги, уларда агрокимё ва агротупроқшунослик соҳасидаги мамлакатимиз ва хорижда эришилган охирги ютуқлар ваислоҳотлар инобатга олинганлиги эътироф этилиб, ишлаб чиқилган МТ ва ўқув режасини тасдиқлаш учун тавсия қилинди.

**5. ҚҚДУ Экология ва тупроқшунослик кафедраси мудири Я.Ахметов** – Мазкур Малака талаблардаги бакалаврларга қўйилган талаблар, фанларнинг мазмуни ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Уларда илғор хорижий мамлакатлар тажрибалари инобатга олинган, республикадаги турдош ОТМ лари ҳамда кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирлик, идоралар ва корхоналар билан келишилган. Таълим йўналиши фанлари, уларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб беради. Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига киритилган фанлар малака талаблари мазмунига мос. Умуман, хориж тажрибаси асосида ишлаб чиқилган мазкур Малака талаблари ва ўқув режаси бакалавриат тўғрисида қабул қилинган Низомга тўла мос келади ва уни таълим жараёнига татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

**6. Д.Х.Джумабаев - бирлашма раиси, профессор.** Университет профессор-ўқитувчилари томонидан 5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаси олий таълим талаблари асосида тайёрланган, уларда Республикамиз агрокимё ва агротупроқшунослик соҳасида рўй бераётган иқтисодий ислоҳатлар ҳамда халқаро тажрибалар тўлиғича ўз аксини топган деб ўйлайман.

Юқоридаги билдирилган фикрлар ва уларни тақриздан ўтказилганлигини инобатга олиб, қуйидаги МТ ҳамда ўқув режасини ўқув методик бирлашмада кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун тавсия этишларингизни сўрайман:

| | | |
|---|---|---|
| **1** | **Таълим йўналиши: Агокимё ва агротупроқшунослик** | **5410100** |

**Йиғилиш қарор қилади:**

1. Турдош ОТМ вакиллари, кадрлар истеъмолчилари ҳамда университет профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик бакалавриат таълим йўналишининг Малака талаблари ҳамда ўқув режаси маъқуллансин.

2. Таълим соҳасининг бакалавриатура таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режасининг лойиҳаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун турдош ОТМ лари ва манфаатдор вазирликлар (идоралар) ва асосий иш берувчи корхоналар, тармоқ илмий тадқиқот институтларида экспертизадан ўтказилганлиги таъкидлансин.

3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар малака талабларининг яратилишида инобатга олинганлиги қайд қилинсин.

4. Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режасини ўрнатилган тартибда тасдиқланиши учун Олий ва ўрта махсус, қасб-ҳунар таълимини Ривожлантириш марказига топширилсин.

**Математика ва табиий фанлар ўқув-услубий бирлашма раиси** **Д.Джумабаев**

**Ўқув-услубий бирлашма котибаси** **Ю.Собирхонова**

## 5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик бакалавриат таълим йўналиши ўқув жараёни жадвали ва ўқув режанинг 2018 йилда тасдиқланган ўқув режаси билан қиёсий-солиштирма жадвали

## I.ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

### 2018 йилдаги ўқув режа бўйича

| Курс | Ҳафталар | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Ўқув жараёни ҳафталари сони | | | | | Таътил ҳафталари сони | Ҳаммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Сентябрь | | | | | Октябрь | | | | Ноябрь | | | | | Декабрь | | | | Январь | | | | | Февраль | | | | Март | | | | | Апрель | | | | Май | | | | Июнь | | | | Июль | | | | Август | | | | Жами | шундан | | | | | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 | 34 | 35 | 36 | 37 | 38 | 39 | 40 | 41 | 42 | 43 | 44 | 45 | 46 | 47 | 48 | 49 | 50 | 51 | 52 | | Назарий ва амалийтаълим | Аттестациялар | Малакавий амалиёт | Якуний давлат аттестацияси | | |
| I | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | А | М | М | М | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 43 | 34 | 6 | 3 | | 9 | 52 |
| II | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | А | М | М | М | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 43 | 34 | 6 | 3 | | 9 | 52 |
| III | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | А | М | М | М | М | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 42 | 32 | 6 | 4 | | 10 | 52 |
| IV | М | М | М | М | М | М | М | М | М | | | | | | | | | Т | Т | А | А | | | | | | | | | А | А | М | М | М | М | М | М | М | Я | Я | Я | Я | Я | Я | Т | Т | Т | Т | | | | | 42 | 16 | 4 | 16 | 6 | 6 | 48 |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Жами | 170 | 116 | 22 | 26 | 6 | 34 | 204 |

| | Назарийва амалий таълим | М | Малакавий амалиёт | А | Аттестациялар | Я | Якуний давлат аттестацияси | Т | Таътил |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

### 2019 йилдаги ўқув режа бўйича

| Курс | Ҳафталар | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Ўқув жараёни ҳафталари сони | | | | | Таътил ҳафталари сони | Ҳаммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Сентябрь | | | | | Октябрь | | | | Ноябрь | | | | | Декабрь | | | | Январь | | | | | Февраль | | | | Март | | | | | Апрель | | | | Май | | | | Июнь | | | | Июль | | | | Август | | | | Жами | шундан | | | | | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 | 34 | 35 | 36 | 37 | 38 | 39 | 40 | 41 | 42 | 43 | 44 | 45 | 46 | 47 | 48 | 49 | 50 | 51 | 52 | | Назарий ва амалийтаълим | Аттестациялар | Малакавий ва педагогик амалиёт | Якуний давлат аттестацияси | | |
| I | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | А | М | М | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 42 | 34 | 6 | 2 | | 10 | 52 |
| II | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | А | М | М | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 42 | 34 | 6 | 2 | | 10 | 52 |
| III | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | А | М | М | М | М | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 42 | 32 | 6 | 4 | | 10 | 52 |
| IV | П | П | П | П | П | П | П | П | П | П | | | | | | | | Т | Т | А | А | | | | | | | | А | А | М | М | М | М | М | М | М | М | Я | Я | Я | Я | Я | Я | Т | Т | Т | Т | | | | | 42 | 16 | 4 | 18 | 6 | 6 | 48 |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Жами | 168 | 114 | 22 | 26 | 6 | 36 | 204 |

| | Назарийва амалий таълим | М | Малакавий амалиёт | П | Педагогик амалиёт | А | Аттестациялар | Я | Якуний давлат аттестацияси | Т | Таътил |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

Ҳафталик ўқув жараёни жадвали ва турли хилдаги дарслар ҳажми 2019 йилга, 2018 йилдагидан олинган.

## II. ЎҚУВ РЕЖАСИ

| Т/р | Ўқув фанлари,блокларвафаолияттурларинингномлари | 2018 йилдаги ўқув режа бўйича | | | 2019 йилдаги ўқув режа бўйича | | | Аудитория юкламаси фарқи +/- | Изоҳ* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Юклама ҳажми, соат ва % да | | | Юклама ҳажми, соат ва % да | | | | |
| | | Умумий | % | Аудитория | Умумий | % | Аудитория | | |
| 1.00 | **Гуманитарваижтимоий-иқтисодийфанлар** | **1628** | **26** | **880** | **1531** | **25** | **816** | **-64** | **Блокнинг номланиши Гуманитар ва табиий илмий фанлар деб ўзгартирилди** |
| 1.01 | Ўзбекистон тарихи | 78 | | 51 | 78 | | 51 | | |
| 1.02 | Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти | 78 | | 51 | 78 | | 51 | | |
| 1.03 | Фалсафа | 128 | | 68 | 128 | | 68 | | |
| 1.04 | Диншунослик | 64 | | 34 | 64 | | 34 | | |
| 1.05 | Ўзбек (рус) тили | 150 | | 85 | 150 | | 85 | | |
| 1.06 | Хорижий тил | 356 | | 200 | 259 | | 136 | -64 | |
| 1.07 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 128 | | 68 | 128 | | 68 | | |
| 1.08 | Олий математика | 136 | | 68 | 136 | | 68 | | |

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.09 | Тупроқшуносликда информатика ва замонавий ахборот технологиялари | 68 | | 34 | 68 | | 34 | | номи Информатика ва замонавий ахборот технологиялари деб ўзгартирилди |
| 1.10 | Умумий кимё | 238 | | 119 | 238 | | 119 | | |
| 1.11 | Умумий физика | 136 | | 68 | 136 | | 68 | | |
| 1.12 | Геология, минерологиява геодезия асослари | 68 | | 34 | 68 | | 34 | | |
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | **2937** | **47** | **1528** | **2766** | **45** | **1384** | -144 | |
| 2.01 | Тупроқшунослик | 458 | | 238 | 408 | | 204 | -34 | |
| 2.02 | Ботаника ва ўсимликлар физиологияси | 66 | | 34 | 68 | | 34 | | |
| 2.03 | Тупроқ кимёси | 230 | | 120 | 180 | | 90 | -30 | |
| 2.04 | Тупроқ физикаси | 230 | | 120 | 180 | | 90 | -30 | |
| 2.05 | Ўсимликлар озиқланиши ва ўғитлар | 424 | | 221 | 442 | | 221 | | номи Агрокимё деб ўзгартирилди |
| 2.06 | Ўсимликшунослик | 132 | | 68 | 68 | | 34 | -34 | |
| 2.07 | Умумий деҳқончилик | 132 | | 68 | 136 | | 68 | | |
| 2.08 | Тупроқ мелиорацияси ва гидрологияси | 214 | | 112 | 196 | | 98 | -14 | |
| 2.09 | Тупроқшунослик ва агрокимёга кириш | 196 | | 102 | 120 | | 60 | -42 | |
| 2.10 | Тупроқ биологияси ва экологияси | 227 | | 119 | 170 | | 80 | -39 | |
| 2.11 | Тупроқшуносликда ГАТ технология | 182 | | 94 | 120 | | 60 | -34 | |
| 2.12 | Тупроқ географияси | 132 | | 68 | | | | | Ўқув режадан чиқарилди |
| 2.13 | Умумий психология ва педагогика | 256 | | 128 | | | | | Агроколлежларда дарс бериш учун киритилди |
| 2.14 | Агрокимё ва агротупроқшунослик ўқитиш методикаси | 120 | | 60 | | | | | Агроколлежларда дарс бериш учун киритилди |
| | Танлов фанлари | 314 | | 164 | 302 | | 152 | -12 | |
| **3.00** | **Ихтисослик фанлари** | **1304** | **21** | **652** | **1464** | **24** | **732** | **-20+68** | |
| 3. 01 | Тупроқ ва атроф муҳитнинг ифлосланиши | 160 | | 80 | 140 | | 60 | -20 | |
| 4.03 | Тупроқни харитага тушириш | 136 | | 68 | 272 | | 136 | +68 | |
| 4.04 | Тупроқ тадқиқ қилиш усуллари | 340 | | 170 | 340 | | 170 | | |
| 4.05 | Ўсимликни тадқиқ қилиш усуллари | 204 | | 102 | 204 | | 102 | | Янги Агрокимёвий текшириш усуллари фани ўқитилади |
| 4.06 | Тупроқ бонитировкаси | 68 | | 34 | | | | | Тупроқ бонитировкасини ўрганиш учун киритилди |
| | *Танлов фанлар* | 464 | | 232 | 440 | | 220 | -12 | |
| **4.00** | **Қўшимчафанлар** | **395** | **6** | **192** | **395** | **6** | **192** | | |
| | Ёш физиологияси ва гигиенаси | 60 | | 30 | | | | | Педагогик ўқитиш учун киритилди |
| | **ЖАМИ** | **6264** | **100** | **3252** | **6156** | **100** | **3124** | **-128** | |
| | Малака амалиёти | 1404 | | | 1404 | | | | Малакавий ва педагогик амалиётлар деб ўзгартирилди |
| | Якуний давлат аттестацияси | 324 | | | 324 | | | | |
| | Аттестациялар | 1188 | | | 1188 | | | | |
| | ЖАМИ | **2916** | | | **2916** | | | | |
| | **ҲАММАСИ** | **9180** | | | **9027** | | | | |

**Изоҳ:** 2018 йил ўқув режасида фанлар сони 35 тадан 2019 йилда 31 тага камайди, аудитория соатлари 128 соатга камайди.

“Умумкасбий фанлар” 3-блокда, ўқув юклама ҳажми 47%дан 45%гача камайди.

“Ихтисослик фанлар” 4-блокда, ўқув юклама ҳажми 21% дан 24% гача оширилди.

Шу билан бирга бакалавриатда назарий таълим муддатлари 116 ҳафтадан 114 ҳафтага камайтирилди, аудитория машғулотларининг ҳафталик юкламаси 30 соатдан 28 соатга қисқартирилди.

**Ўқув ишлар бўйича проректор Д.Х.Джумабаев**

***5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик*** **бакалавриат таълим йўналишининг халқаро миқёсидаги бошқа таълим стандартлари билан қиёсий таққослаш**

**Бакалаврда таълим жараённинг умумий кўрсаткичлари**

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (бакалавр) | Чехия аграр университети (бакалавр) | Москва давлат университети (бакалавр) | Санкт-Петербург давлат аграр университети (бакалавр) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Давомийлиги | 4 йил | 3 йил | 4 йил | 4 йил |
| 3. | Таълим олувчилар сони | 100 | 40-50 | 450 | 80 |
| 4. | Ўтиш жойлари | Ўзбекистон миллий университети, Гулистон давлат университети, Қарши давлат университети, Нукус давлат университети, Бухоро давлат университети, Узкимёсаноат давлат акциядорлик компанияси, Ўзагрокимёҳимоя АЖ, Агрокимё станцияси, ЎзР қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, ЎзР Ергеодезкадастр давлат қўмитаси, унинг тасарруфидаги ТАИТИ, Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти | Чехия Аграр университети, қишлоқ хўжалик муассасалари. | Москва давлат университети Тупроқшунослик факультети, Тимирязов қишлоқ хўжалик академияси, Докучаев номли тупроқшунослик институти, ўрта ва олий ўкув хамда қишлоқ хўжалик муассасалари | Санкт-Петербург давлат аграр университети Агрокимё ва тупроқшунослик факультети, Докучаев номли тупроқшунослик институти, ўрта ва олий ўкув хамда қишлоқ хўжалик муассасалари |
| 5. | Таълим берувчилар | Тупроқшунослик ва агрокимё мутахассислиги бўйича илмий даражага эга профессор-ўқитувчилар | Агробиология факультетининг профессор ва фан доктори даражасига эга бўлган ўқитувчилари | Тупроқшунослик ва агрокимё мутахассислиги дипломига эга бўлган профессор-ўқитувчилар | Тупроқшунослик ва агрокимё мутахассислиги дипломига эга бўлган профессор-ўқитувчилар |
| 6. | Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш | Қуйидаги тартибда амалга оширилади:<br>Деканат, кафедра мудирлари, (бевосита таълим берувчи ўқитувчилар) | Қуйидаги тартибда амалга оширилади:<br>Деканат, кафедра мудирлари, (бевосита таълим берувчи ўқитувчилар) | Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Деканат, кафедра мудирлари, (бевосита таълим берувчи ўқитувчилар) | Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Деканат, кафедра мудирлари, (бевосита таълим берувчи ўқитувчилар) |

**Бакалаврда таълим жараёнинг таркиби**

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон миллий университети | Чехия аграр университети | Москва давлат университети | Санкт-Петербург давлат аграр университети |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Назарий таълим | Асосий қисми маъруза, амалий ва лаборатория машғулотлари кўринишида асосий базада ва амалиёт ўтилаётган муассасаларда ўтказилади | Асосий қисми маъруза ва семинар машғулотлари кўринишида ўтказилади. | Асосий қисми Тупроқшунослик факультетида маъруза ва семинар курслари кўринишида ўтказилади. | Асосий қисми аграр университетда маъруза ва семинар курслари кўринишида ўтказилади. |
| 2. | Амалий таълим | Ўқув дастурида кўрсатилган ротациялар кўринишида илмий тадқиқот институтлари, соҳа ташкилотлари ва илғор фермер хўжаликларда амалга оширилади. | Ўқув дастурида кўрсатилган ротациялар кўринишида илмий тадқиқот институтларида, амалиёт қисми эса университет базасидаги 3000 га майдондаги фермада олиб борилади. | Чашниково ўқув-тажриба тупроқ-экология маркази, илмий тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш ташкилотларида амалга оширилади. | Ўқув дастурида кўрсатилган ротациялар кўринишида илмий тадқиқот институтлари ва ўқув-тажриба участкаларда амалга оширилади. |
| 3. | Илмий – тадқиқот ишлари | Балалаврда таълим олувчилар илмий–тадқиқот ишларини кафедра ёки бошқа илмий-тадқиқот институтлари профессор-ўқитувчилари (маслаҳатчи) илмий раҳбарлигида кафедранинг ТАИТИ даги филиалида, БЎИМ даги дала тажрибаси майдонида ва илмий лаборатория шароитида амалга оширади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, илмий анжуманларда иштирок этиш, маъруза қилиш билан шуғулланадилар. Битирув малакавий ишини бажариш учун материаллар тўплайди. | Бакалаврда таълим олувчилар битирув малакавий иши учун танлаган мавзуси бўйича ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш; жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш борасида тажриба орттириш; тупроқшунослик ва агрокимё амалий кўникмаларини эгаллаш ҳамда битирув малакавий ишини бажариш учун материалларини тўплайди. | Балалаврда таълим олувчилар илмий–тадқиқот ишларини факультет қошидаги Кимё-аналитик маркази ва Чашниково ўқув-тажриба тупроқ-экология маркази ва ИТИ ларида бажариб, битирув малакавий ишини бажариш учун материаллар тўплайди. | Балалаврда таълим олувчилар илмий–тадқиқот ишларини университет қошидаги ўқув-тажриба маркази ва ИТИ ларида бажариб, битирув малакавий ишини бажариш учун материаллар тўплайди. |
| 4. | Мустақил таълим | Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг | Талабалар университет қошидаги кутубхонада мавжуд | Балалаврда таълим олувчилар университетнинг | Балалаврда таълим олувчилар университет қошидаги қишлоқ |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | хусусиятларини ҳисобга олиб, асосий база ва бошқа илмий-тадқиқот институтларида яратилган шароитлардан (тарқатма материаллар, дала тажрибалари, кутубхона фонди, интернет тармоғи, лаборатория ва бошқа асбоб-ускуналар) фойдаланган ҳолда қуйидагиларни амалга оширади: дарслик ёки ўқув қўлланмалар бўйича фанлар боблари ва мавзуларини ўрганиш; тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш; махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзуларидан фойдаланган ҳолда ўз билимларини ошириш. | адабиётлар, интернет материалларидан фойдаланишлари мумкин. | Тупроқшунослик факультетида тупроқшуносликка мослаштирилган барча шарт-шароитлардан кенг фойдаланишлари мумкин. | хўжалик кафедраларида тупроқшуносликка мослаштирилган барча шарт-шароитлардан кенг фойдаланишлари мумкин. |
| 5. | Таълим жараёнида баҳолаш | Бакалаврларнинг назарий ва амалий кўникмалар бўйича билимларини баҳолаш Талабалар билимини баҳолаш 5 баҳолик тизимда амалга оширилади. Бакалаврларнинг ўзлаштириши семестр якунида синов ва имтиҳон кўринишида амалга оширилади. | Бакалаврларнинг назарий ва амалий кўникмалар бўйича билимларини баҳолаш Европа стандарти бўйича кредит баллар билан баҳоланади. Якуний давлат имтиҳони малакавий битирув ишини презентацияси ва 9 та фандан оғзаки имтиҳон топшириш орқали баҳоланади. | Бакалаврларнинг жорий билими, компетенцияси ва ўзлаштириши билимларни даврий оғзаки, яъни синов кўринишда текшириш, циклар бўйича ҳар ярим йилда имтиҳон кўринишида амалга оширилади. Ўқув дастури сўнгида бакалаврлар мутахассислик бўйича барча назарий ва амалий билимларни ўз ичига олган давлат имтиҳони топширадилар. | Бакалаврларнинг жорий билими, компетенцияси ва ўзлаштириши билимларни даврий оғзаки, яъни синов кўринишда текшириш, циклар бўйича ҳар ярим йилда имтиҳон кўринишида амалга оширилади. Ўқув дастури сўнгида бакалаврлар мутахассислик бўйича барча назарий ва амалий билимларни ўз ичига олган давлат имтиҳони топширадилар. |